

8-1-2019

THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS

Bobur Boronov

Samarkand Institute of Economics and Service, bobur-boronov@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Boronov, Bobur (2019) "THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS

Currently, in order to create a national model of the economy in accordance with international standards, special attention is paid to scientific research on the approximation of national accounting standards to international standards, a radical change in the methodological foundations of classification, recognition, evaluation of elements of financial statements, and their reflection in reporting.

In accordance with international standards, assets are important elements of financial reporting. Assets are understood as economic resources, the use of which should bring income and profits. An important component of assets is financial assets, which are part of the company's financial instruments.

As a result of the research, the global communities managed to improve the recognition and reflection of the financial statements of financial instruments, incl. financial assets, financial liabilities and equity instruments. The following international standards have been enacted: IAS 39 “Financial Instruments: Recognition and Measurement”, IAS 32 “Financial Instruments: Providing Information”, IFRS 9 “Financial Instruments: Recognition and Measurement”, IFRS 7 “Financial Instruments: Disclosure”. However, the stated results on improving the theoretical and methodological issues of accounting for financial assets have not yet been fully implemented in the CIS countries, and the application of IFRS provides for accounting features in each state. In addition, in the IFRS system, the accounting of financial instruments is considered very difficult, which requires the comment of highly qualified specialists and interpretations of the standards. Therefore, the issues of recognition, measurement and reflection in financial statements of financial assets are more relevant issues in the context of the unification of financial statements at the global level.

The aim of the study is to develop recommendations and practical proposals for improving the theoretical and methodological basis for accounting for financial assets of companies in the Republic of Uzbekistan.

Scientific economists such as O.V. Anfinogenov [2], Yu.V. Babaev [3], B.A. Khasanov [4], S.N. Tashnazarov [5], K.B. Urazov [6] reflect in their works theoretical and practical aspects of accounting for financial assets, as well as methodological issues of recognition, measurement and reflection of certain elements of financial assets, such as cash, receivables, investments in companies reporting. The authors' studies have important scientific and practical significance, however, it should be noted that in these works the use of advanced methods of accounting for financial assets, as well as the comprehensive accounting of all elements of financial assets existing in developed countries according to international standards, have not yet been fully investigated. This fact led to the choice of research topics.

The paper analyzes the content and composition of information on financial assets reflected in financial statements, identifies existing problems. These problems include: the problems of the theoretician - the conceptual basis for accounting for

financial assets, the use of best practices in recognition, measurement and reflection in financial statements.

Classification of financial assets According to the new standard, financial assets are divided into two groups: 1) financial assets at fair value; 2) financial assets measured at amortized cost.

He paper identifies the main components of the theoretical basis for accounting for financial assets: the conceptual basis of financial assets; methodological basis for the reflection of financial assets in financial statements; determination of financial assets; classification of financial assets.

An important component of the theoretical framework for accounting for financial assets is the conceptual framework of financial assets. The conceptual framework is designed to establish (1) the objectives of accounting for financial assets; (2) the objectives of accounting for financial assets; and (3) the principles for accounting for financial assets.

In the Law “On Accounting” in the Republic of Uzbekistan, continuity, reliability, comparability of indicators are included in the basic principles of accounting.

The article provides a classification of accounting principles in accordance with international standards and proposes to make certain changes to legislative acts.

The law does not have the principle of “relevance” as an important fundamental qualitative principle. The law also does not reflect the principle of “faithful representation” as an important fundamental qualitative principle. The international standard has a paragraph on “accrual accounting”. An analysis of this paragraph shows that the accrual principle in the international standard is available as an important principle for generating useful information for users. Therefore, it will be necessary to include this concept in a separate article. The law also does not include the principle of timeliness.

Timeliness means that information is available to decision makers at a time when it can affect their decisions. There is no principle of comprehensibility in the law. Clear and concise classification, systematization and presentation of information make it understandable. Meaning this principle will also need to be included in the law.

The above proposed conclusions serve as the basis for bringing regulatory documents in line with international standards and ensures transparency of financial statements.

**Боронов Бобур Фарходович,
Самарқанд иқтисодий ва сервис
институті таянч докторанти,
E-mail: bobur-boronov@mail.ru**

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ

В статье раскрыты сущность, теоритические и концептуальные основы, задачи и принципы финансовых активов. Предлагается внести в Закон “О бухгалтерском учете” сущность каждого принципа и принципы исходящие из требований международных стандартов.

Ключевые слова: финансовые активы, финансовые инструменты, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета.

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛАСОСЛАРИ

Мақолада молиявий активларнинг моҳияти, назарий ва концептуал асослари, мақсади ва принциплари ёритиб берилган. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда принципларнинг моҳиятини акс эттириш ҳамда халқаро стандартлардан келиб чиқадиган принципларни киритиш таклиф этилган.

Таянч сўзлар: молиявий активлар, молиявий инструментлар, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.

Кириш.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур” [1] деб таъкидлаганлари, мамлакатимизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш, хорижий инвесторлар учун валюта бозорини эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш бугунги кунда ўта долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида “молиявий активлар” атамаси кенг қўлланилиб, улар корхоналарнинг мол-мулки ёки маблағларининг ажралмас тури, ҳисоб ва ҳисоботнинг муҳим объекти сифатида тан олинди келинади. Бунинг яққол гувоҳи сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда амалда бўлган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС, БҲҲС -IFRS, IAS) бевосита молиявий

активларнинг таснифи, таркибий элементлари, уларнинг тан олинishi, баҳоланиши, шунингдек, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш тартибларига бағишланган.

Ҳозирда жаҳон андозаларига мос келадиган иқтисодиётнинг миллий моделини яратиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, ҳисоб ва ҳисоботнинг методологик масалаларини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг муҳим ва ажралмас объекти ҳисобланган молиявий активлар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, уларнинг назарий ҳамда концептуал асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида молиявий активлар ҳисобининг назарий ва концептуал асослари муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлларини такомиллаштириш бўйича ютуқларга эришиб келинган.

Молиявий активлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, шу билан бирга, молиявий активларнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан миллий даражада самарали фойдаланилишига эришиш бу барча мамлакатлар учун ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлилі.

Корхоналарнинг молиявий активлари таркибига кирувчи молиявий инвестициялар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар ҳисоби ва аудитини амалдаги халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил қилиш тартиблари хорижий ва республикаимиз олимлари, жумладан О.В.Анфиногенов [2], Ю.В.Бабаевлар [3] молиявий активларнинг назарий асослари, шунингдек, активларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг методологиясига доир халқаро тажрибаларни ўз мамлакатларида қўллаш масалаларини тадқиқ этганлар; Б.А.Хасанов [4], С.Н.Ташназаров [5], К.Б.Уразов [6] молиявий активларнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари, шунингдек, уларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг методологик масалаларини монографияларида акс эттирган.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган хорижий ва республикаимиз олимларининг ишларида молиявий активлар қийматини бозор баҳоларида баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда атрофлича акс эттириш, яъни уларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш йўллари чуқур тадқиқ этилмаган. Корхоналарнинг бўш пул маблағлари, молиявий характердаги дебиторлик қарзлар, чунончи шубҳали қарзларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобдан чиқарилиши фактларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришдаги муаммолар атрофлича ёритилмаган.

Молиявий активлар атамаси фанда кенг қўлланилиб, унинг назарий ҳамда концептуал асослари бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун, молиявий активларнинг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилади.

Молиявий активларнинг концептуал асослари миллий ва халқаро стандартларда аниқ бир қонун-қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда ёки уларни

тўғри тушуниш ва қўллаш учун зарур бўлиб ҳисобланади. Молиявий активларнинг концепциясини ишлаб чиқишда унинг иқтисодий моҳияти асос қилиб олинishi зарур. Молиявий активларни тан олиш ва уларни ҳисоботда акс эттириш кенг маънодаги активларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби амалиётида активлар фақатгина корхонага тегишли бўлган хўжалик ресурслари деб қаралган. Ҳозирда молиявий активлар таркибига кирадиган бухгалтерия ҳисобининг бошқа объектлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Булар жумласига, валюта маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа турдаги субъектлар устав капиталига киритилаётган бадаллар, узоқ ва қисқа муддатли қарзлар ҳамда кредитлар, турли молиявий характердаги дебиторлик қарзларни киритиш мумкин. Бу каби хўжалик юритувчи субъектлар активлари ўзининг турли хил кўрсаткичлари билан тубдан фарқ қилади. Ушбу жиҳатлар молиявий активларнинг назарий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Халқаро ва миллий стандартларда молиявий активлар бўйича стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни 1-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Халқаро ва миллий стандартларда молиявий активлар бўйича ишлаб чиқилган стандартларнинг солиштириш жадвали¹

МҲҲС	БҲМС
Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари	Молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари
1-сон БҲҲС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”	1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”
7-сон БҲҲС “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот”	9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот”
8-сон БҲҲС “Ҳисоб сиёсати, ҳисобли баҳолашдаги ўзгаришлар”	1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”
21-сон БҲҲС “Валюта курслари ўзгаришининг таъсири”	22-сон БҲМС “Хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби”
29-сон БҲҲС “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот”	—
34-сон БҲҲС “Оралик молиявий ҳисобот”	—
28-сон БҲҲС (IAS) “Ассоциациялашган компанияларда инвестициялар ва қўшма корхоналар”	—
32-сон МҲҲС (IAS) “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”	—
39-сон МҲҲС (IAS) “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”	—
7-сон МҲҲС (IFRS) “Молиявий инструментлар: ахборотни очиқлаш”	—
9-сон МҲҲС (IFRS) “Молиявий	12-сон БҲМС “Молиявий инвестициялар

¹Муаллиф томонидан МҲҲС ва БҲМСлари асосида ишлаб чиқилган.

инструментлар”	ҳисоби”
10-сон МҲҲС “Консолидацияланган молиявий ҳисобот”	8-сон БҲМС “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига сармоялар ҳисоби”
12-сон МҲҲС “Бошқа ташкилотларга қатнашиш тўғрисидаги ахборотларни очиклаш”	
13-сон МҲҲС (IAS) “Ҳаққоний (адолатли) қийматни баҳолаш”	
14-сон МҲҲС “Муддати узайтирилган счотларни тартибга солиш”	
15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”	
16-сон МҲҲС “Ижара”	
17-сон “Суғурта шартномалари”	

Юқорида келтирилган солиштириш жадвали маълумотларидан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида халқаро стандартлардан фарқли ўлароқ молиявий активлар бўйича аниқ бир стандартлар ишлаб чиқилмаган. Фақатгина, молиявий активларнинг айрим бир турларини ўзида акс эттирадиган ва унинг элементларини очиб берадиган стандартлар мавжуд.

Халқаро стандартларда молиявий активлар тушунчаси “молиявий инструментлар” таркибида ёритилган, қайсики миллий стандартларимизда ҳонузгача энг муҳим объект ҳисобланган молиявий инструментлар тушунчаси киритилмаган. Ҳамдўстлик давлатлари амалиётчи бухгалтерлар томонидан бугунги кунда энг қийин тушуниладиган, уни амалиётда қўллаш катта тажриба талаб қиладиган стандартлар бу молиявий инструментларга оид халқаро ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар, турли ахборот манбаларида “молиявий инструментлар” тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни ҳам ўрганиб чиқишни тақозо этди:

32-сон БҲМС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш” стандартида қуйидагича таъриф келтирилган “Молиявий инструмент - бу бир тадбиркорлик субъектининг молиявий активини ва бошқа тадбиркорлик субъектининг молиявий мажбурияти ёки улушли инструментини кўпайишига олиб келадиган шартномадир[7].

Молиявий инструментлар – бу молиявий ҳужжат (қимматли қоғоз, пул мажбуриятлари, фьючерс, опционлар ва бошқалар), қайсики олинган пул маблағларини таъминлайдиган сотиш ёки ўтказишлардир [8].

Молиявий инструмент – инглизча Financial Instrument, маълум пул қийматига нисбатан, ҳуқуқий келишувни билдирадиган ҳақиқий ёки электрон ҳужжат.²

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқ бўлдики, молиявий инструментлар бухгалтерия ҳисобининг муҳим ва ажралмас объекти

²<http://allfi.biz/glossary/eng/F/financialinstrument.php>

ҳисоблансада, хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ёзилган илмий ишларда унинг мазмун-моҳиятини яққол очиб берадиган аниқ бир таърифи ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг фикримизча молиявий инструментлар шартнома ёки ҳар қандай ҳужжат эмас, балки ушбу шартнома (ёки ҳар қандай ҳужжат) натижасида юзага келган молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки бошқа ҳиссали (улушли) инструментлар эканлигини таъкидланса мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, молиявий инструментларга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз: “**Молиявий инструментлар** – бу молиявий характердаги шартномалар ёки бошқа ҳужжатлар асосида юзага келган бир томондаги молиявий активлар ва бошқа бир томондаги молиявий мажбуриятлар ёки бошқа ҳиссали инструментлар бўлиб ҳисобланади”. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф молиявий инструментларнинг асл моҳиятини тўлароқ тавсифлайди.


Демак, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган молиявий инструментлар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзаро шартномавий муносабатлари ҳисобланиб, улар икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин. Унда бир томон, яъни корхона (ташкilot) ёки жисмоний шахс молиявий активга ҳамда иккинчи томон молиявий мажбуриятга ёки ҳиссали инструментларга эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, молиявий инструментлар тушунчаси учга бўлинади: молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва ҳиссали инструментлар.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан ёзилган адабиётларда молиявий активларнинг назарий асослари ўрганилган, бироқ унинг моҳиятини очиб берадиган таърифи ишлаб чиқилмаган. Бизнингча, **молиявий активларнинг назарий асослари** деганда, унинг авваламбор таърифи, таркиби, мақсади, тузилиши, объектлари ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методлари мажмуаси тушунилиши керак, деб ўйлаймиз. Булар ўз навбатида, молиявий активларнинг концептуал асосларини ташкил этади.

Молиявий активларнинг назарий асосларининг компонентлари (таркибий қисмлари)га қуйидагилар киради:

- * молиявий активларнинг концептуал асослари;
- * молиявий активларни ҳисоботларда акс эттириш тартиби;
- * молиявий активларнинг таърифи;
- * молиявий активларнинг таснифи (1-расм).



1-расм. Молиявий активларнинг назарий асослари компонентлари³

Молиявий активларнинг концептуал асослари бухгалтерия ҳисобининг асосий қисмларидан бири ҳисобланиб, улар молиявий активларнинг мақсади ва вазифаларини ҳамда ахборот фойдаланувчилар учун муҳим бўлган ахборот кўрсаткичларини ифодалайди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда молиявий активларнинг концептуал асослари ўрганилган. Аммо унинг ахборот фойдаланувчиларни тўлиқ ахборот билан таъминлайдиган, унинг мазмун-моҳиятини очиқ берадиган яхлит бир тавсифи ишлаб чиқилмаган.


Мамлакатимиз соҳаоломларидан С.Н.Ташназаров концептуал асосларни куйидагича изоҳлайди: “... концептуал асослар бутун бухгалтерия ҳисобининг мақсад ва вазифаларини эмас, балким фақат молиявий ҳисоботнинг мақсади ва уларда акс эттириладиган кўрсаткичларнинг сифат тавсифи билан чегараланади, халос. Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби тамойиллари молиявий ҳисобот элементларини ўлчаш ва тан олиш мезонлари ҳамда сифат тавсифида ўз аксини топади. Концептуал асосларни тавсифлашда унинг ахборотлар сифат тавсифини белгилашдаги муҳим роли алоҳида эътироф этилиши лозим, деб ўйлаймиз”⁴.

³Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

⁴Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда молиявий активларнинг концептуал асослари таркибини мувофиқлаштириш муҳим ҳисобланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- (1) молиявий активлар мақсади
- (2) молиявий активлар вазифалари;
- (3) молиявий активлар принциплари (2-расм).



2-расм. Молиявий активларнинг концептуал асослари таркиби⁵

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, бизнинг фикримизча, *молиявий активларнинг концептуал асослари* – бу молиявий ахборот фойдаланувчилар талабларини қондириш учун молиявий активларнинг мақсади, вазифалари ҳамда принципларини ўзида мужассамлаштирадиган молиявий активлар таркиби ва элементларини тавсифловчи бўғиндир.

Молиявий активлар ҳисобининг мақсади бу соҳа ахборот фойдаланувчиларини хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий салоҳияти, ундаги кўрсаткичлар, молиявий фаолият натижасидаги ўзгаришлар борасидаги аниқ ахборот (маълумот) билан таъминлаш ва натижада бошқарув тизимида тўғри қарорлар қабул қилиш имконини яратиш ҳисобланади.

Молиявий активлар ҳисобининг мақсади – бу маълум бир ҳисобот даврида молиявий ахборот фойдаланувчилар, яъни бошқарув ходимлари, таъсисчилар, кредиторлик ташкилотлари (банк), давлат органлари ва бошқа ахборот фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишлари учун корхонанинг молиявий активлари самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар, яъни корхона ихтиёридаги пул маблағлари миқдорининг ошиши, асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ошиши, дебиторлик қарзларининг вақтида ундирилиши, қисқа

⁵Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ва узоқ муддатли қарзларнинг қопланиши ҳамда бошқа турдаги молиявий активларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги кўрсаткичларни молиявий ҳисобот кўринишида тақдим этишдир.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуннинг [8] 3-моддасида бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари келтирилган. Уларузлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги каби бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида ҳамбухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари келтирилган ва уларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Хорижий ва маҳаллий адабиётларда олимлар томонидан принципларга турлича таърифлар берилган. Жумладан, мамлакатимиз олимларидан К.Б.Уразов [6] бухгалтерия ҳисоби тамойилларига қуйидагича таъриф беради: “Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари деганда, уни юритишда амал қилиш лозим бўлган қоида ва тартиблар мажмуаси тушунилади”⁶.

Хорижий олимлардан Я.В.Соколов ўзининг тадқиқот ишида принципларни “ундан келиб чиқадиган барча кейинги тасдиқларни олдиндан белгилаб берадиганасосий қоида”[10] сифатида тавсифлайди.

Бошқа россиялик олим С.И.Колесников бухгалтерия ҳисобининг принципларига қуйидагича таъриф беради: “Бухгалтерия ҳисобининг принциплари – бу ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини сифатли хусусиятлари билан таъминлайдиганва замонавий босқичда унинг предмети, объекти ва методини олдиндан белгилаб берадиган бухгалтерия ҳисобининг фан сифатидаги дастлабки қоидалари” [11].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, молиявий активларнинг принципларига қуйидагича таъриф келтирдик: **Молиявий активларнинг принциплари** – бу молиявий активларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ахборот фойдаланувчиларга, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, ҳисоботларда тўлиқроқ акс эттириш ва молиявий активларнинг ҳақиқий қийматини тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган қоидалар мажмуасидир.

Халқаро стандартларнинг молиявий ҳисобот принциплар тадқиқ қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонунда ҳамда молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларига бағишланган миллий стандартларда молиявий ҳисоботнинг принципларини янги таҳрирда ёритиш ҳамда таснифлаш зарурурияти юзага келмоқда. Тадқиқотлар асосида Қонунга муҳим фундаментал сифат тамойиллари ҳисобланган ҳаққоний ва объектив тақдим этиш (faithful representation) ҳамда “уйғунлик” принципини киритиш таклиф этамиз.Молиявий ҳисобот ахборотларнинг фойдали бўлишини таъминлаш учун жамғарилиш (ҳисоблаш)асосида тузилиши шарт.Шу боис, ушбу “жамғарилиш (ҳисоблаш)” принципини қонунда алоҳида моддада қайд этиш, шунингдек, қонунга ўзвқтидалик принципи ҳамда молиявий ахборотларнинг сифатини

⁶Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004. 20-б.

таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган **тушунарлилик** принципини ҳам киритиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Қонунда принципларнинг номлари келтирилган холос. Бизнинг фикримизча, Қонунга принциплар киритилдими, албатта уларга қисқача тавсиф келтириш зарур, чунки бу принципларнинг тўғри талқин қилиниши ва бир хил маънода тушунилиши ҳамда қўлланилишини таъминлайди.

Халқаро стандартлардаги ва илғор тажрибаларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасини қуйидаги таҳрирда ёритилишини таклиф этамиз (2-жадвал).

2-жадвал

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда бухгалтерия ҳисоби принципларининг акс эттириш бўйича таклифлар⁷

Амалдаги таҳрирда	Таклиф этилаётган таҳрирда
<p>3-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари Узлуксизлик, ишончлилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий пинципларидир.</p>	<p>3-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари Узлуксизлик бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир. Молиявий ҳисобот шундай йўл қўйилиш асосида тузиладики, бунда компания ўз операцион фаолиятини узлуксиз бўлган даврда, яъни ўз фаолиятини тугатиш ёки кескин даражада қисқартириш каби ҳолатлар назарда тутилмаган ҳолларда давом эттиради.</p> <p>4-модда. Бухгалтерия ҳисобининг фундаментал сифат тавсифи принциплари Уйғунлик (аҳамиятлилик), ҳаққоний ва объектив тақдим этиш бухгалтерия ҳисобининг фундаментал сифат тавсифи принципларидир. Ахборотлар фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборотлар ўтган, ҳисобот даври ва келгусидаги ҳодисаларни баҳолаш ёки тугатишлар киритиш бўйича бошқарув қарорларнинг қабул қилинишида ёрдам бера олган тақдирдагина уйғун бўлади. Ахборотлар ҳақиқатда юз берган ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳиятини тўлиқ тасифлай олган тақдирдагина у ҳаққоний ва объектив бўлди. Ахборотлар ҳаққоний бўлиши учун улар тўлиқ, нейтрал ва аниқ бўлиши талаб этилади.</p>
	<p>5-модда. Таққосланувчанлик, текширишга оидлик, ўзвақтидалик ва тушунарлилик ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифи принциплари ҳисобланади. Ахборот фойдаланувчилар тўғри қарорларга келишлари учун молиявий ҳисоботдаги ахборотлар бир неча йиллар давомидаги фаолиятидаги кўрсаткичларга ҳамда бир</p>

⁷Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

	<p>нечта компаниянинг молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичларга таққосланувчан бўлаши талаб этилади.</p> <p>Молиявий ҳисоботдаги ахборотлар текширишга оид, яъни уларнинг объектив ва ҳаққонийлигини аниқлаш мумкин бўлиши керак.</p> <p>Ўзвақтидалик фойдаланувчилар учун ахборотларнинг айнан қабул қилинаётган қарорлари учун зарур ва унга таъсир кўрсата оладиган пайтда мақбул бўлган ахборотларнинг мавжудлигини таъминлайди.</p> <p>Ахборотларнинг мазмунли ва қисқа таснифи ва тизимлаштирилиши унинг тушунарли бўлишини таъминлайди.</p> <p>б-модда. Ҳисоблаш методи даромад ва харажатларни ҳисобга олишнинг асосий концепциясидир.</p> <p>Ушбу принципга асосан даромад ва харажатлар қайси ҳисобот даврида юз берган бўлса ўша вақтда қайд қилинади ва ушбу даврнинг молиявий ҳисоботида киритилади, бунда ҳодисалар билан боғлиқ пул маблағларининг келиб тушуши ёки чиқиб кетиши инobatга олинмайди.</p>
--	--

Молиявий ҳисобот принципларининг юқоридаги таҳрирда баён этилиши унинг тўғри талқин қилинишини ҳамда принципларнинг ўрни ва аҳамиятини акс эттиради, шунингдек принципларнинг таснифий асосларини белгилаб беради.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирги иқтисодий глобаллашув шароитида мамлакатимиз томонидан қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурларида белгиланган бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш ҳамда молиявий активлар ҳисобининг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича куйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- молиявий активлар ҳисобининг назарий асосларини ислоҳ қилиш ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олиш;

- МҲХСни тан олиш, жорий этиш ва компиляция қилишнинг методологик асосларини такомиллаштириш;

- ахборот фойдаланувчиларга халқаро тажрибаларда ва стандартларда қўлланиладиган атамаларни БҲМСда қўллаш ва маълумотлар тизими билан таъминлаш, молиявий инструментларга оид миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

- халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришнинг янги моделини тузиш;

- Қонун ва миллий стандартларда молиявий ҳисобот принципларини янги таҳрирда ёритиш, уларни таснифий асосларини ишлаб чиқилиши принципларининг ўрни ва аҳамиятини ёрқинроқ акс эттиришга, ҳисоботларнинг шаффоф бўлишига хизмат қилади.

-корхоналарда бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар молиявий активлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштиришга ёрдам беради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда кўмаклашади. Молиявий активларнинг назарий ҳамда концептуал асосларини такомиллаштириш ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади ва ахборот фойдаланувчилар учун корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272. 2-бет.

2. Анфиногенов О. В. Бухгалтерский учет и аудит финансовых активов коммерческих организаций: Автореферат диссертации ... кандидата экономических наук: 08.00.12. - Саратов, 2009.

3. Бабаев Ю.В. и др. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник для ВУЗов, 2005.

4. Б.А.Хасанов. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш: Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2012. -128 б.

5. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1.

6. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004. 20-б.

7. <https://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/>

8. <http://whatismoney.ru/financial-instrument/>

9. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.

10. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. М.: Финансы и статистика, 2003. 496 с.

11. Kolesnikov S.I. [On the accounting principles concept].Sovremennye problemynaukiiobrazovaniya, 2008, no. 1, pp. 81-83(In Russ.).

12. Ўз.Р. АВ томонидан 1999 йил 16январда рўйхатга олинган, № 596.